

# ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 9, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST

VOLUME 9, ISSUE 7



ТОШКЕНТ-2026

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

**Аминова Азиза Марксовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Навоий давлат педагогика институти

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти  
Миллий тадқиқот университети

**Худайкулов Тулқин Дўстбоевич**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Шаҳрисабз дала педагогика институти

**Гоффоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қариш давлат техника университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор  
Қариш давлат университети

**Махкамova Надира Рахмановна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Телави давлат университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодири Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Андижон давлат университети

**Рашидов Ойбек Расулович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддиневич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қозогистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қозогистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмутаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Тожибоев Музаффар Турдибоевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ИИВ Академияси

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Озарбайжон давлат университети

**Саипова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор  
Ўзбекистон Миллий университети

**Таниева Гулдона Мамановна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Гулистон  
давлат педагогика институти

**Нуруллаева Шоира Кушназаровна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Урганч давлат университети

**Курбанов Бахтияр Журабаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Наманган давлат университети

**Хакимова Шоира Сағдуллаевна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети  
*Масъул котиб*

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исаков Бахадир Нигматуллаевич**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Холмуродов Дилшод Рашидович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Жиззах давлат  
педагогика университети

**Юсупов Ахмеджон Шоназарович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти  
Urganch davlat universiteti

**Тиллажжаева Хуршида Джумаваевна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Тошкент давлат техника университети

**Одилов Абдор Анварович**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети  
*Масъул котиб*

**Исоков Бахтиёр Робиддинович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Тўхтабасев Аъзамжон Шарипхўжаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Алимардонов Отабек Қудратович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти  
Ўзбекистон Миллий университети


**Хасанова Нодира Ибрагимовна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти, Денов  
тадбиркорлик ва педагогика институти

**Турсунова Юлдуз Бобоқуловна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Азаматова Гулмира Байирбековна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Jizzax davlat pedagogika universiteti

**Каримжонов Жасурбек Мухторжонович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Ўзбекистон Миллий университети

|                                                                                                                                                                                     |    |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>1. Зумрад Бойхўразовна Раҳмонкулова</b><br>XXI АСР ТУРКИЯ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЖАДИДЧИЛИК МАСАЛАЛАРИ.....                                                                            | 5  |
| <b>2. Gulnara Rashidovna Joldasbaeva</b><br>QORAQALPOQLARNING AN'ANAVIY SUT MAHSULOTLARI VA UNING INSON<br>SALOMATLIGIGA TA'SIRI.....                                               | 11 |
| <b>3. Nigora Azadovna Egamberdiyeva</b><br>XORAZMNING QADIMIY HUNARMANDCHILIGI TARIXI<br>(KULOLCHILIK TARIXI MISOLIDA).....                                                         | 17 |
| <b>4. С.И.Габриэльян</b><br>СРЕДНЕВОСТОЧНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ РУССКО-ГЕРМАНСКОГО СОПЕРНИЧЕСТВА<br>НАКАНУНЕ ПЕРВОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ.....                                                      | 23 |
| <b>5. Risolat Davron qizi Murodova</b><br>ILMIY MEROSNI SAQLASHDA ILMIY MUZEYLARNING O'RNI: TAJRIBA VA TAHLIL...                                                                    | 35 |
| <b>6. Shukrullo Nasriddinov, Dilshod To'xtasinov</b><br>O'RTA OSIYO DINIY-MONUMENTAL ME'MORCHILIGINING AYRIM XUSUSIYATLARI<br>HAQIDA.....                                           | 42 |
| <b>7. Sherbek Axmedovich Omanov, Shukrullo Nazrullayevich Nasriddinov</b><br>AXSIKENT YODGORLIGI ASOSIDA O'RTA ASRLAR UY - JOY XO'JALIGI MODDIY<br>MADANIYATINING O'RGANILISHI..... | 48 |
| <b>8. Матлуба Бойхурозовна Раҳманкулова</b><br>XVI–XVII АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУҚОВАЛАРИДА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ҲИРОТ<br>МУҚОВАСОЗЛИК УСЛУБИ АНЪАНАЛАРИ.....                             | 54 |
| <b>9. Abdulla Nuritdinovich Rasulov, Nurillo Abdulboqiyevich Rejabboyev</b><br>SAMARQAND VILOYATI OCHARCHILIK OQIBATLARINI<br>TUGATISH KOMISSIYASI FAOLIYATI.....                   | 63 |
| <b>10. Рустам Султонмуродович Солиев</b><br>XX ASRDA TURKISTONDAGI SIYOSIY PARTIYALAR VA IJTIMOIIY-SIYOSIY<br>HARAKATLAR.....                                                       | 71 |
| <b>11. Xayrullo Lutfillojon o'g'li Xolmirzayev</b><br>QO'QON XONLIGIDA 1853-YIDAN KEYINGI SIYOSIY HARAKATLAR VA<br>MALLAXONNING HOKIMIYATGA KELISHI.....                            | 76 |
| <b>12. Mirzabek Karimjon o'g'li Xolboyev</b><br>FARG'ONA VODIYSI OBLASTLARIDAGI ARXIV MUASSASALARI FAOLIYATI TARIXI:<br>MUAMMO VA YECHIMLAR.....                                    | 82 |



**Зумрад Бойхўразовна Раҳмонкулова,**  
 Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон  
 Миллий университети Тарих факультети  
 “Архившунослик ва манбашунослик”  
 кафедраси профессори  
[zumradrahmankulova@gmail.com](mailto:zumradrahmankulova@gmail.com)

## XXI АСР ТУРКИЯ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЖАДИДЧИЛИК МАСАЛАЛАРИ

**For citation:** Zumrad B. Rahmonkulova. THE STUDY OF JADIDISM ISSUES IN TWENTY-FIRST-CENTURY TURKISH HISTORIOGRAPHY. Look to the past. 2026, vol. 9, issue 7.



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.21807358>

### АННОТАЦИЯ

Мақола XXI аср Туркия тарихшунослигида жадидлар, жадидчилик ва уларнинг олиб борган фаолияти масалаларининг тадқиқ этилиши масалаларига бағишланиб, унда XXI асрнинг 20-йилларидан бошлаб жадидчилик масалаларини кенг миқёсда ўрганиш Туркия тарихшунослигида қайтадан долзарб илмий йўналишлардан бирига айланганлигига тўхталиб ўтилган. Туркия тарихшунослигида жадидларнинг маърифатпарварлик фаолияти, янги усул мактабларини ташкил этиш борасидаги ташаббуслари, матбуот соҳасидаги иштироки алоҳида тадқиқот объекти сифатида таҳлил этила бошланганлигига эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** Туркия тарихшунослиги, жадидчилик, маърифатпарварлик, архив хужжатлари, Тошкент, Истанбул.

**Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна,**  
 профессор кафедраси «Археологии и источниковедения»  
 исторического факультета  
 Национального университета Узбекистана  
 имени Мирзо Улугбека,  
[zumradrahmankulova@gmail.com](mailto:zumradrahmankulova@gmail.com)

## ИЗУЧЕНИЕ ВОПРОСОВ ДЖАДИДИЗМА В ТУРЕЦКОЙ ИСТОРИОГРАФИИ XXI ВЕКА

### АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросам исследования джадидов, джадидизма и их деятельности в турецкой историографии XXI века. В ней рассматривается, что начиная с 20-х годов XXI века широкомасштабное изучение проблем джадидизма вновь стало одним из актуальных научных направлений в турецкой историографии. В турецкой историографии просветительская деятельность джадидов, их инициативы по организации новометодных школ, а также участие в сфере печати начали анализироваться как самостоятельный объект исследования.

**Ключевые слова:** турецкая историография, джадидизм, просветительство, архивные документы, Ташкент, Стамбул.

**Zumrad B. Rahmonkulova,**  
Professor, Department of "Archival Studies and Source Studies",  
Faculty of History, National University of Uzbekistan  
named after Mirzo Ulugbek,  
[zumradrahmankulova@gmail.com](mailto:zumradrahmankulova@gmail.com)

## THE STUDY OF JADIDISM ISSUES IN TWENTY-FIRST-CENTURY TURKISH HISTORIOGRAPHY

### ABSTRACT

The article is devoted to the study of issues related to the Jadids, Jadidism, and their activities in XXI-century Turkish historiography. It discusses the fact that, since the 20 s of the twenty-first century, the large-scale study of Jadidism once again became one of the relevant scholarly directions in Turkish historiography. In Turkish historiography, the Jadids' enlightenment activities, their initiatives in establishing new-method schools, and their participation in the press began to be analyzed as a distinct object of research.

**Index Terms:** Turkish historiography, Jadidism, enlightenment, archival documents, Tashkent, Istanbul.

### 1. Долзарблиги:

Бугунги кунда Туркияда долзарб мавзу бўлган жадидчилик ва жадидлар фаолияти мавзулари билан шуғулланаётган бир гуруҳ йирик олимлар пайдо бўлди[1]. Туркияда жадидчилик масалаларини тадқиқ этиш XX асрнинг 20-йилларида бошланган бўлиб, мазкур жараён 1950-йилларгача изчил давом этган. XXI асрнинг 20-йилларидан бошлаб жадидчилик масалаларини кенг миқёсда ўрганиш Туркия тарихшунослигида қайтадан долзарб илмий йўналишлардан бирига айланди. Бу даврда мазкур мавзуга мурожаат қилган тадқиқотчилар жадидчилик ҳаракатини фақат миллий-маърифий жараён сифатида эмас, балки Ўрта Осиёда кечган ижтимоий-сиёсий, маданий ва интеллектуал ўзгаришлар билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилишга интилдилар. Айниқса, жадидларнинг маърифатпарварлик фаолияти, янги усул мактаблари, матбуот, миллий уйғониш ғоялари ҳамда ислохотчилик ҳаракатлари Туркия тарихшунослигида алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганила бошлади. Улар Ўрта Осиё тарихига оид хорижий ва маҳаллий тадқиқотларни бевосита ҳамда билвосита таҳлил қилиш орқали жадидчилик ҳаракатининг шаклланиши, ривожланиши ва минтақавий хусусиятларини очиқ беришга ҳаракат қилдилар. Шу билан бирга, улар мавзуга доир бирламчи манбаларни, хусусан, даврий матбуот материаллари, архив ҳужжатлари, хотиралар, публицистик асарлар ва жадид намояндаларининг илмий-маърифий меросини илмий муомалага киритишга муҳим ҳисса қўшдилар.

### 2. Методлар:

Тадқиқотнинг методологик асосини тарихийлик, холислик, илмий объективлик, қиёсий-тарихий ва тизимли таҳлил тамойиллари ташкил этади. Мақолада XXI аср Туркия тарихшунослигида жадидчилик масалаларининг ўрганилиши тарихшунослик таҳлили асосида ёритилиб, турк тадқиқотчилари асарларида жадидлар фаолияти, янги усул мактаблари, жадид матбуоти, маърифатпарварлик ва ислохотчилик ғояларининг талқин этилиши таҳлил қилинади.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Туркияда тарих фани, хусусан, турк тарихи, усмонийшунослик ва умумий тарих йўналишлари бўйича тадқиқотлар кенг кўламда олиб борилаётган бўлса-да, айнан тарихшунослик ихтисослиги доирасида бажарилган илмий ишлар нисбатан кам учрайди.

Аҳмад Қонлидара[2] тадқиқотлари мана шундай хорижда кам учрайдиган тарихшунослик ихтисослиги доирасидалиги билан ажралиб туради. Муаллиф тадқиқотларида асосан XIX аср охирлари – XX аср бошларида Қрим ва Ўрта Осиёдаги маданий-маърифатпарварлик фаолиятларини тадқиқ этишга қаратилган бўлиб, жадиidlар, уларнинг фаолиятлари, жадиd матбуоти ва унда таълим масалалари ёритилиши ўрганилган. Муаллифнинг келтиришича, Усманийлар ва Туркистон ўлкаси зиёлилари ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларнинг бошланиши, XVIII асрнинг охирларига тўғри келиб, юксалиш даври эса 1908–1918 йилларга тўғри келади [3]. “Туркия ва Туркистоннинг миллий зиёлилари бошқарув тизими, кенг қулоч ёзган коррупциядан норози эди” [4]. Жадиidlар жамиятни бундай иллатлардан халос этишнинг асосий йўлини таълим ва маърифатда деб билиб, халқни илмли, онгли ва чинакам зиёли жамият даражасига кўтаришга интилганлар. Натижада, улар янги усулдаги жадиd мактабларини ташкил этиш орқали Туркистонда замонавий таълим тизимининг шаклланиши ва кенгайишига муҳим ҳисса қўшдилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўзаро алоқалар ўлкада жадиd мактабларининг очилишига ижобий таъсир қилган. “Дастлаб янги усул мактабларини ташкил этишда тажриба орттириш учун Истанбулга борган миллат ойдинлари кейинчалик истеъдодли ёшларни олий маълумот олишлари учун у ерга юбордилар” [5].

Аҳмед Кўрўғли ва Элмин Алиевлар “тадқиқотларида жадиidlарнинг таълим соҳасидаги ислохотчилик фаолияти, жадиd матбуотининг шаклланиши ва ушбу жараёнларнинг жамият ижтимоий-маърифий ҳаётидаги аҳамиятини таҳлил қилган[6]. Маълумки, 1901 йилда дастлаб Тошкентда Шайхонтохур даҳасида, кейинчалик бошқа турли даҳаларида Мунаввар қори Абдурашидхонов томонидан “Усули жадиd” мактаблари очилади. Бу мактаблар Маннон Уйғур, Салимхон Тиллахонов, Қаюм Рамазон, Мажид Қодирий каби педагогларни етиштириб чиқди. Бундай жадиd мактаблари кейинчалик бошқа шаҳарларда 1903 йилда Самарқандда Маҳмудхўжа Бехбудий, Сиддиқий Ажзий, Абдуқодир Шакурый, Наманганда Исроқхон Ибрat, Сўфизода, Қўқонда Абулваҳоб Ибодий, Ашурали Зоҳирий, Ҳамза, Пўлатжон Қаюмов, Бухорода Абдулвоҳид Мунзим, Садриддий Айний, Хоразмда Ҳусайн Кушаев, Бобоохун Салимовлар томонидан очилиб жадиd мактаблари сони кенгайиб борди[7]. Фикр билдириш мумкинки, Туркистон зиёлиларининг Истанбул билан илмий-маърифий алоқалари ўлкада жадиd мактабларининг шаклланиши ва кенгайишига муҳим таъсир кўрсатди. Мунаввар қори Абдурашидхонов бошлаган янги усул мактаблари кейинчалик Самарқанд, Наманган, Қўқон, Бухоро ва Хоразмда ҳам тараққий этиб, жадиd маърифатпарварлари фаолияти орқали миллий таълим тизимининг янгиланишига хизмат қилди.

Аҳмад Кўрўғли[8] Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қўқон шаҳарларида чоп этилган жадиd нашрларининг Ўрта Осиёдаги таъсири масаласига тўхталиб, бу нашрларнинг ягона электрон платформасини яратиш таклифини ҳам киритган. Мазкур платформани бугунги кунда жадиdчилик бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларини ҳам киритиб, улар билан халқаро даражада илмий оммани таништириш мумкинлигини таъкидлаб ўтган. XXI асрнинг 20-йилларидан кейинги даврда Туркияда жадиdчилик масалалари юзасидан нафақат тарихчилар, балки адабиётшунослар ҳам тадқиқотлар олиб бораётганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолат биз учун бегона эмас, бундай вазият бизда анча эртaroқ XX асрнинг 90-йиллариданоқ бошланганлигини таъкидлаш мумкин.

Аҳмад Қонлидара жадиd матбуоти масаларига тўхталиб, Абдурашид Иброҳим томонидан 1913–1914 йилларда Истанбулда нашр этилган “Ислом дунёси” журналида Туркистонга оид айрим мақолалар ҳам берилганлигини келтириб ўтади. Журналда мақолалари эълон қилинган муаллифлар орасида Туркистон жадиdчилик ҳаракатининг йирик вакилларида бири Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ҳам борлиги алоҳида аҳамият касб этади. Маҳмудхўжа Бехбудий ўз мақоласида мадрасаларда ўқитиладиган мантиқ ва калом фанларининг аввалги даврларда муҳим вазифа бажарганини таъкидлайди. Бироқ замон ўзгаргани, илм-фанда катта тараққийот юз бергани сабабли талабалар аввало Европа тафаккури ва замонавий илмлар билан таниш бўлиши зарурлигини фикрини бериб ўтади[9].

Аҳмад Қонлидара “Türk Yurdu” журналида 1912 йилда Бухорода “Buhara-yı Şerif” газетасининг чиқиши, Маҳмудхўжа Бехбудий томонидан нашр этилган “Ойина” журнали, кейинчалик Тошкентдаги “Садои Туркистон” ва Қўқондаги “Садои Фарғона” газеталари нашр этилгани хабарлар бериб борилганлиги бу эса журналнинг Туркистон матбуоти ва жадидчилик ҳаракатини диққат билан кузатганлигидан дарак беришини таъкидлаган[10].

Аҳмад Қонлидара XX аср бошларида Россия шарқшунослик мактабининг турк тарихшунослиги шаклланиши ва ривожланишига кўрсатган таъсири масаласига алоҳида эътибор қаратади. Муаллифнинг таъкидлашича, В. Бартольд, А. Якубовский, В. Греков каби рус шарқшунос ва тарихчи олимларининг тадқиқотлари Туркияда тарихий билимлар тизимининг бойиши, хусусан, туркий халқлар тарихи, Марказий Осиё цивилизацияси ва маданий меросни ўрганишда муҳим илмий манба вазифасини бажарган. Шу сабабли мазкур олимларнинг асарларидан кенг фойдаланилган ҳамда айрим тадқиқотлари турк тилига таржима қилинган. Таъкидлаш ўтиш керакки, бу ҳолат Россия шарқшунослик мактабида шаклланган илмий мероснинг Туркия тарихшунослигида маълум маънода манбавий асослардан бири сифатида эътироф этилганини кўрсатади.

Аҳмад Қонлидара Қозондаги жадидчилик ҳаракати маълум маънода Туркияга ҳам таъсир қилганлигини таъкидлаб ўтади. Бу давр тадқиқотларининг баъзиларида асосий урғуни жадидчилик ҳаракатига берган, хаттоки жадидчиликка алоқаси бўлмаган уламоларни фаолиятини бўрттириб жадидчи, маърифатпарвар сифатида кўрсатишга уринган тадқиқотлар билан бирга Совет даврида бўлаётган ҳодисаларга танқидий баҳо берганлари ҳам бўлганлиги алоҳида таъкидлаб ўтади. Муаллиф бу тадқиқотчилар Совет ҳукумати жадидчиликнинг изларига йўқотишга уринаётган бир даврда маҳаллий зиёлиларнинг баъзилари Туркияда ва Европада фаолиятларини давом эттирганлигига урғу беради.

Аҳмад Қонлидара Россияда яшаб, кейинчалик Туркияда илмий фаолият олиб борган Аҳмад Закий Валидий Тўғон, Абдулқодир Инан, Акдес Нимет Курат каби тарихчи ва шарқшунос олимларнинг тадқиқотларига юқори баҳо беради. Мазкур тадқиқотлар манбавий характерга эга бўлиб, уларнинг илмий қиммати, аввало, муаллифларнинг баён этилаётган воқеа-ҳодисаларда бевосита иштирок этгани ёки уларни яқиндан кузатгани билан белгиланади. Шу жиҳатдан, ушбу асарлар нафақат тарихий воқеликни ёритувчи тадқиқотлар, балки давр руҳи, ижтимоий-сиёсий муҳит ва ўзаро алоқалар мазмунини акс эттирувчи муҳим тарихий манбалар сифатида ҳам аҳамият касб этади. Айниқса, улар XX аср бошларидаги ўзаро муносабатлар тарихини тадқиқ этишда, воқеаларнинг ички моҳиятини англашда ҳамда замондошлар қарашлари ва баҳоларини илмий таҳлил қилишда муҳим ўрин тутади.

Бу ўринда шунини таъкидлаб ўтиш керак-ки хотира, эсдаликлар, саёҳатномалар услубидаги асарларда муаллиф бевосита ўзи тасвирлаётган жараёнларнинг иштирокчи бўлганлиги туфайли мавжуд вазиятларни ёритишда воқеаликка шахсий муносабатини устун қўйиши ҳолатлари бўлиши мумкинлигини эътиборга олиш зарур бўлади. Шунинг учун албатта бу туркумдаги тадқиқотларни ўрганишда, бошқа илмий адабиётдаги маълумотлар билан қиёсий таҳлил қилиш керак бўлади. Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг тарихда усул масалалари, Акдеш Нимет Куратнинг “Тарихчи масъулияти”, тадқиқот методологияси масалалари бугунги кунда ҳам кийматини йўқотган эмас. Бу гуруҳдаги олимлар тадқиқотчиларида асосан хотиралари, оғзаки тарих маълумотлари, халқ оғзаки ижоди намуналари ва замондошларининг асарларини фойдаланиб, архив манбаларига мурожаат этмаган. Бугунги кунда илмий тадқиқотларда тарихни, тарихий шахсларни ёритишда бир тарафлама эмас, балки тарафсизлик позицияси нуқтаи-назаридан, эҳтиросларга берилмаслик кераклигини таъкидлаб, тўғри фикрни ўртага ташлаган.

#### **Хулоса:**

Хулоса қилиб айтганда, XXI аср Туркия тарихшунослигида жадидчилик масалаларини ўрганиш янги илмий босқичга кўтарилган бўлиб, мазкур мавзу турк тадқиқотчилари томонидан таълим, матбуот, маърифатпарварлик, ислохотчилик ва миллий уйғониш жараёнлари билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинмоқда. Мазкур тадқиқотларни тарихшунослик нуқтаи назаридан ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда жадидлар

фаолиятининг турк тарихшунослигидаги талқини, манбавий асослари ва методологик хусусиятлари очиб берилган.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Gökgöz, S. Ceditcilik tarihi araştırmalarına metodolojik eleştirel bir bakış. Türk devletleri yüzyılında Ceditcilik'in ufukları. –Ankara, 2025; Cezmi Bayram. Yüz yılda Gaspıralı'nın idealleri bildirileri. Arşiv belgelerine göre Osmanlı'nın Gaspıralıya bakışı. –Ankara, 2001. Türkoğlu İ. Rusya Türkleri arasındaki yenileme hareketinin öncülerinden Rızaeddin Fahreddin. –İstanbul: Otügen. 2000. (Gökgöz S. “A Methodological and Critical View of Research on the History of Jadidism.” In *The Horizons of Jadidism in the Century of Turkic States*. Ankara, 2025; Bayram Cezmi. “The Ottoman View of Gaspıralı According to Archival Documents.” In *Proceedings on Gaspıralı's Ideals over a Hundred Years*. Ankara, 2001; Türkoğlu İ. Rızaeddin Fahreddin: One of the Pioneers of the Renewal Movement among the Turks of Russia. İstanbul: Ötüken, 2000).
2. Kanlıdere A. Buxoro jadidchiligi haqida tarixshunoslik. Buxara Cumhuriyeti 101 yasında. Uluslararası sempozyumu yazıları. –İstanbul: Kutlu yayınevi. 2021. -S. 125-139.; Ўша муаллиф: Sovet ve Turk tarix yazıcılığında Rusya musulmanlarının düşüncesi tarihi. Türkiye araştırmaları literatür dergisi. 2004.cilt 2. Sayı 1. –S.149-181; Kanlıdere A. Dogu ve Batı arasında bir tatar mollası: Zahir Bigin'in hayatı, romanları ve seyahatnamesi. –İstanbul: Otügen. 2021. –422 s; (Kanlıdere A. “Historiography on Bukhara Jadidism.” In *The Bukhara Republic at 101: Proceedings of the International Symposium*. İstanbul: Kutlu Yayınevi, 2021, pp. 125–139; Kanlıdere A. “The Intellectual History of Russia's Muslims in Soviet and Turkish Historiography.” *Journal of Turkish Studies Literature*, vol. 2, no. 1, 2004, pp. 149–181; Kanlıdere A. Tatar Mullah between East and West: The Life, Novels, and Travelogue of Zahir Bigi. İstanbul: Ötüken, 2021, 422 p.)
3. Kanlıdere A. Çağdaş Türk dünyası yazıcılığı: tarihsel süreç, eğilimler ve kavramsal sorunlar. –Eskişehir:Yazıgen yayıncılık. 2019. -S.79. (Kanlıdere A. *Contemporary Historiography of the Turkic World: Historical Process, Trends, and Conceptual Problems*. Eskişehir: Yazıgen Publishing, 2019, p. 79.)
4. Алимова Д. Жадидчилик феномени. –Ташкент: Akademnashr. 2022. -Б.109. (Alimova D. *The Phenomenon of Jadidism*. Tashkent: Akademnashr, 2022, p. 109.)
5. Жамолова Д. Туркистон жадидларининг татар, турк, афғон ва озар тараққийпарварлари билан алоқалари тарихига оид // О'zbekiston tarixi. 2022. №3. –Б.38. (Jamolova D. “On the History of the Relations of Turkestan Jadids with Tatar, Turkish, Afghan, and Azerbaijani Progressives.” *History of Uzbekistan*, 2022, no. 3, p. 38.)
6. Koroglu A., Aliyev E. 20 yüzyılın ilk çeyreğinde Orta Asya'da ceditçi basın: güvenilir yayınlar üzerinden bir analiz teklifi. Türk devletleri yüzyılında Ceditcilik'in ufukları. –Ankara, 2025. -S.4-5. (Köroğlu A., and Aliyev, E. “The Jadid Press in Central Asia in the First Quarter of the Twentieth Century: A Proposal for Analysis through Periodicals.” In *The Horizons of Jadidism in the Century of Turkic States*. Ankara, 2025, pp. 4–5.)
7. Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. –Ташкент: Университет. 2006. –15 Б. (Dolimov, U. *Jadid Schools in Turkestan*. Tashkent: Universitet, 2006, p. 15)
8. Koroglu A., Aliyev E. 20 yüzyılın ilk çeyreğinde Orta Asya'da ceditçi basın: güvenilir yayınlar üzerinden bir analiz teklifi. Türk devletleri yüzyılında Ceditcilik'in ufukları. –Ankara, 2025. -S.4-5. ((Köroğlu A., and Aliyev, E. “The Jadid Press in Central Asia in the First Quarter of the Twentieth Century: A Proposal for Analysis through Periodicals.” In *The Horizons of Jadidism in the Century of Turkic States*. Ankara, 2025, pp. 4–5.)
9. Kanlıdere A. Türk basınında Türkistanlı ceditçilerin kültürel faaliyetleri //Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi. 2014. Cilt I. sayı 2. –S. 172. (Kanlıdere A. *Turkestanı Jadids in the Turkish Press*.” *Marmara Journal of Turkic Studies*, 2014, vol. 1, no. 2, p. 172.)

10. Қаранг: Kanlidere A. Turk basininda Turkistanli ceditlerin kulturel faaliyetleri //Marmara Turkiyat Arastirmalari Dergisi. 2014. Cilt I. sayi 2. –S. 167-176. (Kanlidere A. Turkestani Jadids in the Turkish Press.” Marmara Journal of Turkic Studies, 2014, vol. 1, no. 2, p. 172.)

# ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
LOOK TO THE PAST

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000